

**Судланувчининг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгаришсиз, протест қаноатлантирилмасдан қолдирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Хива тумани судининг 2012 йил 22 августдаги ҳукмига кўра, Х. Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан 2 йил, 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан 3 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, 1 йил синов муддати белгиланган ҳолда 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли равишда судланган.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди кассация инстанциясининг 2013 йил 6 февралдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2012 йил 6 июль куни Х.нинг яшаш уйи ички ишлар ходимлари томонидан холислар иштирокида кўздан кечирилганида, Х. уйининг боғида 9 туп, ҳўл ҳолдаги вазни 5.766 грамм, таркибида гиёҳванд модда мавжуд бўлган "каннабис" ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, етиштирганлиги аниқланган.

Шунингдек, Х. ҳовлисидаги тандир ёнида қуритилган ҳолдаги вазни 17 грамм бўлган, кўп миқдордаги "марихуана" гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланган.

Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги **"Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"**ги қарорининг бешинчи бандида, гиёҳвандлик

воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда (Жиноят кодексининг 273-моддаси 1-қисми) уларни ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя этиш, бошқа шахсга укол қилиш, алмаштириш, қарз ва қарзи эвазига бериш ҳамда сотиш ва ҳоказолар) тушунилиши лозимлиги, чунки гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сотиш-ўтказишнинг бир усули деб ҳисобланиши, қайд этилган жиноятни квалификация қилишда биринчи навбатда ўтказилган (сотилган) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар миқдоридан келиб чиқиш кераклиги;

олтинчи бандида, айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (Жиноят кодексининг 273-моддаси), судлар, бу восита ёки моддалар ҳақиқатан ҳам, ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқлари лозимлиги, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, наркотиклар ёки психотроп моддаларнинг маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берган бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш материалларидан кўринишича, Х. уйида 9 туп "канабис" ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб етиштирган ҳамда 17 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаб келган.

Х. дастлабки тергов ва судда 2012 йил апрель ойида уйининг боғига макка уруғи экканлиги, орадан бир ойча ўтиб экилган макканинг орасидан "каннабис" ўсиб чиққанлиги, аввало ўзи гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиши сабабли, қолаверса, боғидаги экинлар ва мевали дарахтларга зарарли ҳашоратлар тушмаслигини ўйлаб, "каннабис"ни парваришлаб келганлиги, "каннабис"нинг бўйи 1,5 метрга етганида, тезроқ ривожланиши учун ортиқча япроқларини юлиб олиб, тандир ёнига ташлаб қўйганлиги, "каннабис" ўсимлиги ва "марихуана" гиёҳвандлик воситасини бировга сотиш мақсади бўлмаганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ А. судда, 2012 йил 6 июль куни қўшнисини Х.нинг уйида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган кўздан кечиришда холис сифатида иштирок этганлиги, кўздан кечириш жараёнида Х.нинг боғида 9 туп "каннабис" ўсимлиги ўсиб турганлиги, тандир ёнида эса, ўткир ҳидли қуритилган ўсимлик барглари борлиги аниқланганлиги, Х. муқаддам гиёҳвандлик воситаси савдоси билан шуғуллангани ҳақида эшитмагани ёки бундай ҳолатни кўрмагани ҳақида кўрсатма берган.

Суд-наркология экспертизаси хулосасида, Х. "наша" истеъмол қилиш билан касалланганлиги, лекин мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги қайд этилган.

Хива тумани ИИБнинг маълумотномасида ИИБда Х.нинг гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланиши ҳақида маълумот мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Жиноят иши материалларида Х.нинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсади борлигини намоён этувчи далиллар мавжуд эмас.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 27 июндаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Хива тумани судининг ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди кассация инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз, судланувчининг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги учун суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг протести қаноатлантirmасдан қолдирилди.

***ЖСХ-131-13 назорат иши***